

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



RESPUBLIQASI
MILLIY KITOB PALATASI

Қоупичилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 38 (3410) 2001 йил 20 сентябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА БИРЛАШМОФИМИЗ ЛОЗИМ!

11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчиллик ҳаракатлари ер куррасида яшаётган ҳар бир кишини чукур ларзага солди. Одамлар телевидение орқали Голливуд фильмларида учрайдиган юлдузлар жангига ўхшаш манзараларни даҳшат билан томоша қилишди ва аввалига бу ҳаётда юз берайтанига ишонцирашмади.

Аммо бу кўркинчли туш эмас, ҳақиқатда рўй берган аянчли воқеа эди. Куппа-куйдузи дунёдаги энг гуллаб-яшнаётган мамлакатга инсониятга кулфатлар келтираётган ёвуз кимсалар – халқаро террорчилар томонидан ажал ёғдирилди. Бу эса самолётларда бўлган ва мусасаларда меҳнат қиласётган минглаб одамларнинг умрига зомин бўлди.

Шу кунларда терроризм ҳақида маълум тасаввурга эга бўлган кўп миллатли Ўзбекистон халқи Америка Қўшма Штатлари халқи билан қалбан бирга бўлиб, бу ҳаётдан бевақт кўз юмган одамларнинг хотириаси олдида чукур кайгуга тушган. АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хербет яқинда бўлиб ўтган матбуот анжуманида АҚШ элчихонаси ўзбекистон аҳлидан АҚШда содир этилган террорчиллик ҳаракатидан азият чекканларга ҳамдардлик рамзи сифатида минглаб гулдасталар ва кўнгил изҳорлари битилган номалар тўхтовсиз келиб турганини маълум қилди. Бу кўрсатилаётган маънавий маддаднинг аҳамияти бекиёсdir.

Халқимиз америкаликлар бошидан кечирган ғам-аламдан чукур изтиробга тушган. Президентимиз Ислом Каримов АҚШ Президенти Жорж Уолкер Буш Жаноби Олийларига йўллаган мактубида "сизнинг мамлакатингиз учун оғир бўлган ушбу дамларда ҳалок бўлганларнинг хотириаси олдида бош эгиг, Сиз ўз чиқишингизда қайд этганингиздек, Америка халқи "бу синовдан ўта олишига биз комил ишонч изҳор этамиз", деб таъкидладилар. Ўзбекистон раҳбари террорчиларнинг вахшиёна қилишини қатъни коралла, айборлар топилиши ҳамда жазога тортилишига ишонч билдири.

Мамлакатимиз раҳбарининг бундай комил ишонч билан гапираётгани тараққийларвар инсоният учун қайгули бўлган ушбу кунларда жаҳондаги барча давлатларнинг раҳбарлари даҳшатли ёвузлик – халқаро терроризмга қарши курашда ўз куч-ғайратларини бирлаштиришига амин эканликлардан далолатдир.

Биз, ўзбекистонликлар, бу оғат ҳақида фақат эшишибнина қолмаганимиз. Кейинги йилларда мінтақамиз халқаро экстремистик марказлар, наркосиндикатлар ва уюшган жиноятчилар зўр бериб интилаётган кўпорувчилик обьектига айланиб қолди. Улар ҳар қандай йўл билан мінтақадаги вазиятга путур етказиб, юзага келган тартибсизлик ҳамда бекарорлик шароитида, ҳеч қандай тўсикларсиз ва жазолариз кенг миқёсдаги жиноятларни амалга ошириш ҳамда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мухим аҳамиятга эга бўлган мінтақани ўз назоратлари остига олишга ҳаракат қилишяпти.

Ушбу экстремистик кучлар совет империяси инқирозга учраётган пайтдаёк фаоллаша бошлаган эди. Халқимиз катта молиявий имкониятларга эга бўлган ушбу кучлар, шунингдек, уларнинг мамлакатимизга дин никоби остида кириб келиб, бир қарашда эътиборли, аслида эса бўхтон шиорлар ҳамда чакириклар билан теварак-атрофидагиларни чалгитишига, йўлдан уришга, бъозан эътиоди бўш ёки маккор одамларни пулга сотиб олишга уринаётган раҳнамолари фолиятининг "меваси"ни амалда ўз кўзи билан кўрди. Бундай хатти-ҳаракатлар натижасида кўплаб ёшларимиз халқаро террорчилар ва ақидапарастларнинг тўрига илиниб, ўз халқига қарши жиноятлар килди. Буларнинг барчаси биз, ўзбекистонликлардан хушёрикни галаб этади.

Боз устига, Президентимиз Ислом Каримов Иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида таъкидлаганларидек, мінтақамиз, умуман, дунёда юзага келаётган вазият чегараларимиз даҳлсизлиги, мамлакатнинг худудий яхлитлиги, Ўзбекистон барқарор ва изчил ривожланишини таъминлайдиган хавфсизлик тизимини яратишни тақозо этаётганини айтиб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбари ушбу стратегик максадга эришишда Марказий Осиё мамлакатларининг мазкур мінтақада яшаётган халқларнинг тинчлиги, осойиштилигига ички ва ташки хавф солинишига йўл кўймаслик ва нейтраллаштириш борасидаги ҳамфирклигини мустаҳкамлаш, саъй-ҳаракатлар ва куч-ғайратларни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш мухим омил эканлигини таъкидладилар.

Юртбошимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида "Ўзбекистон мінтақа ахолисининг қарийб ярми истиқомат киласётган, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар ва но-тинчлик ўқум суроётган Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган ягона давлат сифатида таҳдид ва хавф-хатарнинг умумийлиги, Марказий Осиё мінтақаси ва у ерда яшаётган халқлар тақдирни учун масъулиятни яхши англайди", дедилар.

Президентимиз энг нуфузли халқаро минбарлардан туриб, жаҳон ҳамжамиятини халқаро терроризм ва экстремизмга қарши ҳамкорликда кураш олиб боришига чакириди ва чакирмоқда.

Америка Қўшма Штатларида вахшиёна террорчиллик ҳаракатлари яна бир бор тараққийларвар инсоният XXI аср "вабоси" – халқаро террорчиллика қарши курашда жипсланиши лозимлигини кўрсатди.

Халқаро террорчилар ва экстремистларга қарши биргаликда, ҳушёр ҳолда кураш олиб борсакнина инсониятга кулфатлар келтираётган бу ёвузлини енгизимиз мумкин.

Қоупичилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

НОСИНГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 38 (3410)

2001 йил 20 сентябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»НИНГ ИККИ КАРРА СОҲИБИ



Мамлакатимиз пойтакти - Тошкент шаҳрида 8-бор ўтказилган "Президент кубоги" ҳалқаро турнири ғолиби, дунёга машҳур россиялик теннисчи Марат Сафин Президентимиз кўлидан кубокни қабул қилиб олди. Айтиб ўтиш лозим, "ATP-Tour" таснифига кирувчи ушбу нуфузли мусобақада Марат Сафин иккинчи маротаба турнир пешқадами эканлигини исботлади.
Шуниси эътиборга моликки, Тошкентда ўтказилган "Президент кубоги" турнири жаҳондаги кўплаб теннис ишқибозлари кўришга муштоқ бўлган икки машҳур теннисчилар - М. Сафин ва Е. Кафельниковлар беллашуви билан теннис тарихида қоладиган бўлди.
Хар иккала теннисчи ҳам "Биз яна Тошкентта албатта келамиз", деган сўзлар билан хайрлашдилар.

16-бет

ҲОРМАНГ ЭНДИ, АЗИЗЛАР!

"Мамлакатимиз мустақиллигини, тинч-осойишта ҳаётимизни асрорчи, кўз корачигидай сақловчи кудратли Қуролли Кучлар зарур эди ва у ўтган ўн йил мобайнида шаклланди"

3-бет



ҚЎШИҒИДА ИРМОҚЛАР ОҲАНГИ БОР...



"Tabassum"ning бугунги меҳмони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анваржон ФАНИЕВ,

5-бет

САХОВАТ

Тўрткўл туманидаги Собир Раҳимов номли 23-урта мактаб ўқувчилари учун янги ўқув йилининг бошланиши шодиёна кунларга тўғри келди – туман ИИБ раҳбари тиннинг ташаббуси билан ўқувчилар ва маҳалла фаолларининг учрашуви ўтказилди.

4-бет

Tabassum +TV

Tabassum + TV

Постоја gazetasining ilovasi

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Жар" спорт-соглом-лаштириш мажмуидаги стадионга юзлаб одамлар йигилган. Ҳамма фикри-хәёли, вужуди кўз-кулоқка айланиб, ўзи ёниб, ўзгаларни ёндириб қўшик айтиётган йигитга нигоҳ қадаган. Хонанда ўзига қадалган минглаб кўзларни кўрмайди, хис қилмайди. Унинг учун хозир дунёда куй, қўшик ва ўзи қолган, холос. У олисдаги бағритош санамига нола қиласи, юракдан қай-наб чиккан пок ва самимий туйғуларини куйга солиб, қўшик килиб уни чорлади.

**Фироқ тўла бағрим ёнар,
Юрак сени, сени сўрар,
Эзар, мени бу дардлар эзар.
Тугар, умидларим тугар,
Хаёлларим олиб кетар,
Хазон япрогидек севгим сўнар...**

Газетхон қўшиқдан куйи ҳам келтирилган бу парчани Анвар Фа-үқигандеқ дарров таниди: ҳа, бу ўша – кейинги пайтларда дардли, аммо самимий қўшиқлари билан қўшиқчиликда ўз ўрнини топган, ҳар қандай тингловчини ўзига ром қила олган Анваржон Фаниев.

Дейдиларки, инсонга туғилиб ўсан муҳитининг таъсири жуда катта бўлар экан. Анваржоннинг феъл-авторига, танлаган шеърлари, ижро этган қўшиқларига эътибор қилсангиз унда қўшиқчи дунёга келган Сижжакнинг сервиқор тоғлари, сўлим, хушбўй гулзору мевазор боғлари, тоҳ жилдираб, тоҳ шиддат билан тўлиб-тошиб оқувчи сойлари, сокин тонглари-ю серюлдуз осмонлари нуқсими кўрасиз. Ўйноқи Чирчиқ дарёси бўйларида вояга етган йигитнинг қўшиқлари баъзида нима учун маҳзун, дилни тирновчи бўлиб қолади?

– Билмадим, – жилмаяди Анваржон. – Биласизми, инсон кўнгли баъзан шундай нозиклашиб кетадики... Шунда юрагинг тубидаги энг нозик ҳиссиётларингни қофозга туширгинг, уни энг ажойиб, чиройли, дилларга етиб бора оладиган оҳангларда ижро этгинг келади. Ва... ва ана ўшандай нозик ҳолатларда:

**Васлинг менга узоқ,
борар ерим тузоқ,
Етар жоним, етар
бу дардларинг...**

каби ўта нозик туйгулар ифода этилган шеърлар ёзилиб, унга муносаб куйлар басталанди. Дарвоқе, “Оҳ севаман кўзларингни” қўшигининг шеъри ҳам,



*Сіз доним қўшиқларингизни ўзингиз ёзб, ўзингиз унга куй басталайсизми, ё?...
– Доим эмас. Юқоридагидан ташқари “Дардинга дармон бўламан” ва яна бир қанча қўшиқларнинг сўзи ва куйи ўзимни. Лекин кўпроқ Мухаммад Юсуф (раҳматли), Машраб Бобоев, Маҳмуд Тоиров каби шоирлар шеърларидан фойдаланаман, аммо мусиқасини ўзим басталайман. Бунда укам, ўзим билан бирга Ички ишлар вазирлигининг “Турон юлдузлари” гуруҳида фолият кўрсатувчи Акмалжон (ғижжакчи) ёрдам беради.*

Инсоннинг қўшиққа, куйга ошно бўлишида маълум бир турткি катта ўрин тутади. Сиз учун ҳам

– Албатта. Менимча, инсоннинг нозик туйғули, юмшоқ табиатли, меҳр-оқибатли бўлиб вояга етишида бешикдалик пайтида онажониси айтиган аллаларнинг жуда катта таъсири бор. Биз оиласа беш фарзандмиз – икки ўғил, уч қиз. Мен фарзандларнинг тўнғичиман. Дадам Жумабой ака, онам Назирахон опалар оддий ишчи бўлганлар. Лекин тўнғич фарзанд бўлганим учунми, онамнинг мулоим, ҳазин овозда укаларимнинг бешигини тебратиб, айтиган аллалари ҳамон кулогимда. Дадамларни ҳам санъаткор десам бўлаверади. Ўзлари оддий ишчи бўлсалар да, санъатга муҳаббатлари чексиз. Укиши менга рубоб чалиб, қўшиқ айтишни. ўргатгандар. Кейин, 5-синфдан Чирчиқдаги мусиқа мактабида таълим олдим. Уни битириб, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтига ҳалқ мусиқаси ихтисоси бўйича ўқишга кирдим.

Хаваскор санъаткор отасидан, кейин мусиқа мактабидаги муаллимларидан мусиқа сирларини ўрганган Анваржон Фаниев бу даргоҳда Раҳматжон Турсунов, Баҳрила Лутфуллаев, Матназар Ху-

кент гўзали”, “Оҳ, севаман кўзларингни” каби кўплаб нағис қўшиқлари қаторида видеофильмлар учун ёзилган қатор қўшиқлар ҳам борки, томошабинлар уларни, айниқса, “Кўнглим” қўши-

Ана шундай пайтларда рафиқангиз Зулхуморхон ўзини қандай тутади?

А. Фаниев (кулиб):

– Ўшандай пайтда ички ишлар идоралари ходимларининг рафиқлари ўзларини қандай тутса – шундай.

Анваржон ва Зулхуморхоннинг ширин оиласи кўпларга намуна бўлса арзиди. Зулхумор вояга етган оиласа оила – муқаддас, турмуш ўртоғи – энг азиз инсон саналган ва удумни яхши билган аёл оиласини ҳамиша кўнгилдагидек ардоқлайди.

Анваржон ва Зулхуморхон бир-бирларини иззатлаб-хўрматлаб, эл-юртга маънавият улашиб, хизмат қилиш билан бирга уч фарзандларига ҳам рисоладагидек таълим-тарбия бериб, вояга етказмоқдалар.


Келишган жойимизга келаётган санъаткорни ёнига ёшгина эр-хотин яқинлашди. Жувоннинг кўлида кичкина ёндағтарча. “Менга дастхат ёзб беринг”, – деди у ийманганича Анвар Фаниевга.

Қўшиғида ирмоклар оҳанги бор...

дойназаров, Эгамқул Маҳмудов каби устоз санъаткорлар кўлида ҳалқ қўшиқлари, мусиқаси, оғзаки ижоди бўйича тугал билим олди.

– Институтни битиргач, Малика Раҳимова раҳбарлигига “Ширин-

гини (“Кўнгил қўчалари” видеофильми) жуда яхши биладилар. Шундан кўриниб турибдики, А. Фаниев кўплаб видеофильмларнинг янада таъсиран бўлишига ўз қўшиқлари билан бебаҳо хисса қўшган ва бундан



кейин ҳам унинг ижоди янада улғайишига шубҳа йўқ.

– Ички ишлар ходимлари билан сизга ўхшаш эл суйған санъаткорларнинг, таъбир жоиз бўлса, ўхшаш томонларингиз бор, яъни иккала касб эгалари ҳам кўпинича катта байрам, тантана кунларида хизмати боис оиласи ёнида бўлиб, байрамни улар билан ўтказа олмайди. Бундан ташқари, хизмат юзасидан кўп вақт уйга кеч келади. Яна хизмат сафарлари, гастроллар дегандай.

Инсон ҳеч қачон эл на-заридан қолмасин, деган ўй келди муҳлисинга дафтарчасига нималарни дир ёзаётган ҳалқимизнинг севимли қўшиқчи-сига қараб. – Ҳар биримизнинг меҳнатимизни юзага чиқарган эл-юрт. меҳри, дуоси. Ҳалқимиз тинч, ластурхонимиз тўкин бўлиб, юртимизда тўйлар бўлаверсин. Санъаткорларимиз эса кўп қатори ҳалқимиз хизматини қилаверсин...


Шоҳзода
ХУДОЙБЕРДИЕВА.
Суратлар А. Фаниевнинг
шахсий альбомидан олинди.

| | | | | | | | | | |
|--|----------------------------|---------------------------------------|-----------------|--------------------------|-----------------------------|--|---------------------------|--|--------------------|
| Япон. либоси | | Хинду-пар фойд. захар | | Сифихона, шохона, ... | Кизил | | Мулкчи | | Жан. Амер. саҳроси |
| | | | | Детектив кироличаси исми | | | | | |
| Эскимос | | Оймининг синглиси | | | | | Греция-даги тарихий кудуд | | Кофи ... |
| АКШ штати | | Немис автомобили | | | | | Ацт... стадиони | | |
| "Опель" модели | | "Радио тили" муаллифи | Перудаги вулкон | Англия-даги пивохона | | | Маугли дўсти | | |
| Арок | N+N=? | | | | | | | | |
| Красно-дар улкаси-даги шахэр | | | | Нигерия-даги шахар | | | | | |
| Одисей ватани | | | | | | | | | |
| Типсиз ёй | Молия мусассаси | | Кора-Байир | | | | | | |
| Торт безаги | Шерлок Холмс "иқтиро-чиги" | | | Форд йўлга кўйган тизим | | | | | |
| Шурининг хотинин ишлаб кетган режиссер | | | | | | | | | |
| Спорт судьи | | Энг катта ширпиц уйлаб топган шифокор | | Газалининг икки сатри | | | | | |
| Текстари фойда | Гўзал | | | | | | | | |
| Тенис "Маккои" | | | | | | | | | |
| | Ток | | Махфий рақами | "Сулола" муаллифи | Афроинаний Рамининг рафияси | | Кўплик-даги сен | | Ола-кула |
| | | | | | Хонсю оролидати кўрғиз | | | | |
| | Намоз зақти | Шахар доҳими | | Нола | | | | | Лахза |
| | Берлыги-даги шахар | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

Бозорда бир киши тўтикуш танламоқда.

- Мана бу тўтикушингиз неча пул?
- 100 доллар.
- Шу кичинагина қушчага 100 долларми?
- Бу оддий күш эмас, у ракс тушишини билади.
- Бунисичи неча пул?

- Бунисими, 500 доллар. У кўшиқ айтишини билади.
- Унда мана бу пати юлинган кари тўтикушингизга қанча сўрайсиз?
- 1000 доллар!
- У нима килишни билади?
- Билмадим, лекин мана бу иккаласи уни устоз деб чакиришади.



Дехқонига балли!

Ҳар тўғрида

БАҲАЙБАТ ҚЎЗИҚОРИН

Молдавиядаги қишлоқлардан бирида яшовчи Василий Синегур ёрдамчи хўжалигидаги лавлагиларни сугориб юриб, баҳайбат қўзиқоринга дуч келади. Уни ўлчаганларида диаметри 74 сантиметр чиқди. У деярли икки-уч кун ичиди ўсиб-улрайган бўлиб, оғирлиги 100 грамми кам уч килограмм экан.

Ўлим мусобақасининг яна икки қатнашчисининг ҳаётини жонлантириш бўлими шифокорлари аранг сақлаб қолдилар. Улар касалхонага ҳушсиз, кома ҳолида олиб келинганди. Тадбир ташкилотчисини полиция бир неча кун қидириб топа олмади. Лекин, чамаси уни виждони қийнаган шекишли, "рекордчи"нинг дағн маросимига хотини орқали 125 доллар бериб юборибди.


"ЧИНИККАН" БОЛА

Брянскдаги Будённий посёлкасида яшовчи холаси кайф устида йўқотиб кўйган икки ёшли Андрей Голайдо чакалак бўлиб ётган қабристонга етиб боргунча бир кеча-кундуз адашиб юрган.

Гап шундаки, маҳаллий тадбиркор Зенонас Визгирдас юртдошларига: маҳаллий самогончилар тайёрлаган бир литр ичилигни ким тез исча, ўшангача 5 доллар миқдорида мукофот берилади, деб эълон қилган.

Августинаснинг бу "мусобақа"да голиб чиқиши учун атиги 10 дақиқа вақт кетди. Идишни "бир кўтаришда" бўшаттан йигит кўлларини голибона қимирлатиб, шодиёна жилмайди-ю, лабларида табассум билан ўрилган ўтдай кулади ва икки дақиқадан кейин оламдан ўтди. Шифокорлар унга "алкоголдан заҳарланиш" деб ташхис қўйдилар.

Хориж матбуоти асосида тайёрланди.




O`nta farqni toping



"МЕН БАХТЛИ АЁЛМАН!"

... Политехника билим юртинг ҳисобчилик факультетини мудаффаиятли

тамомлаган Светжон Хоразмга ота-онаси бағрига қайтди. Тақдирни қарангти, уни ички ишлар идораларида ишлашга тақлиф қилиши. Оддий ҳисобчи вазифасида иш бошлаган Светжон астойдил меҳнат қилди. Ҳисоб-китоб ишларини пухта эгаллаган Светжон тез орада раҳбарлар ишончини қозонди. Ҳали ишга келганига уч йил бўлмасданоқ унга катта ҳисобчи лавозимини ишониб топшириди. Ҳисобчилик касб сирларини янада пухта эгаллашга аҳд қилган Светжон



Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институтига сиртдан ўқишига кирди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган йили Светжон ҳам олий ўқув юртими мудаффаиятли туталади.

— Мустақиллик байрами мен учун шундай бир қуттулуг кун, шу йили орзум ушади, — деди Хоразм вилоят ИИБ молия-иқтисод бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковники Светжон Жуманиёзов. — Мен ўшанда шу юрт, мустақил Ўзбекистон учун янада гайрат ва шижаот билан ишлашга аҳд қилгандим. Юртингчлиги, Ватан равнақи учун бор куч ва билимимни аямасдан ишлайтман.

Қаҳрамонимиз оила сулласининг давомчиларидан бири. Чунки опанинг қайнатаси милиция майори Абдулла ака Жуманиёзов Хива, Хонқа, Гурлан туманлари, Урганч шаҳри ИИБларига раҳбарлик қилди. Вилоят ИИБ бошлиғи лавозимида ҳам сидқидилдан ишлаган.

Хизмат фидойилари

"МЕҲРИБОН" ДЎСТЛАР

Хурматли таҳририят! Газетангиз орқали Сирдарё вилояти Ширин шаҳри милицияси жиноят-қидирув хизмати ходимлари И. Турдимуродов, Ш. Ҳасанов, Ш. Маматқулов ва қўриқлаш бўлими ходими Ф. Думоновларга самимий миннадорчилик билдирамиз. Ҳонаёнга тушган ўғриларни тез қунда топиб, олиб кетилган буюмларни бус-бутун қайтариб берганликларидан жуда ҳурсандман. Фидойи инсонларга мустаҳкам соғлиқ, оиласиб баҳт, ишларida катта мудаффаиятлар тилайман.

Л. Уткина,

Ширин шаҳрида истиқомат қулуви фуқаро.

Роман Россияга кета туриб, ҳонаён калитини таниши Л. Уткинага ташлаб кетади. Аёл хабар олиб туришга ваъда беради. Романнинг Россияга кетганидан хабар топган ҳамтовоқларининг фикри ўзгариб қолади. Илгари кўп марта ароқхўрлик қилган уйларига яна кириб, дам олгилари келади.

— Обид қара-чи кўлга илинадиган нарсалар бормикин? — деди Истроил ванинда ювениб чиқсан шеригига.

— Эсинг жойидами, ка-

литни бермайди. Шунчаки дам олиш учун кирмаймиз-ку. Озгина пул бўладиган нарсалари бор, учтўрт кун майшатга етади.

Бироз тортишувдан кейин Романнинг "қадрдонлари" эшикни бузуб ичкарига киришди. Обид келтирган шиша бўшатилди, кейин ётиб дам олишиди.

— Обид қара-чи кўлга илинадиган нарсалар бормикин? — деди Истроил ванинда ювениб чиқсан шеригига. И.

МУСТАҚИЛЛИККА ТЕНГДОШ "ЮЛДУЗЧА"

1991 йилнинг май ойи, Турмуш ўртогим Сирочев Нажмиддин вилоят ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати бўлинмасида, мен Адлия бошқармасида ишлардим. Мен ишда кечгача қолиб кетган вақтларимда боғчада тарбияланадиган ўслимиз, тўрт ёшли Алишерни тарбиячилар уйларига олиб боришар, баъзида боғча қоровулларига қолдириб кетишиар эди. Қийнатиб юрганимизда шахбар, эшитдик. Ички ишлар

ходимларининг фарзандлари учун вақти узайтирилган "Юлдузча" маҳсус болалар боғчаси очилганди. Орадан 10 йил ўтди. "Юлдузча"нинг



иilk қалдироҷлари бугун шаҳримизнинг лицей ва коллежларида, ўрта мактабларда аъло баҳоларга ўқимоқдалар.

"Юлдузча"да тарбияланётган болажонларга Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан яратилаётган шарт-шароитлар жуда яхши. Машгулотлар хонаси, ётқоналар, ўйин майдончалари дид билан безатилган. Чўмилиш ҳавзаси қишинёзин болаларнинг энг севимли жойи. Мусиқа хонасида олиб бориладиган машгулотлар болаларга завқ багишлайди. Боғчада тарбияланётган 100 нафардан ортиқ болажонлардан тарбиячилар Малика Камоловна, Зарина Шокировна, Зулхумор Маматовна ва Нилуфар Баҳодировналар ўз меҳри, меҳнатларини аяш-

майди. Ўтказиладиган ҳар бир байрам ва тадбирларга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Битирувчилар учун ўтказиладиган "Хайр, боғчажон!" байрами нафақат болажонлар, ҳатто ота-оналарга қувонч багишлайди.

Боғчани биринчи кунларданоқ оёққа қўйган, куну тун тиним билмаган боғча мудираси Олим Алиеванинг меҳнатини алоҳида ҳурмат билан таъкида жоиз.

Юлдузинг ҳамиша порлайверсин, мустақиллик тенгдоши — "Юлдузча".

Курбоной Эргашова.

Суратларда: 1) Мустақилликимиз ва "Юлдузча"нинг ўн ёшта тўлиши тантанасидан лавҳа.


2) Бухоро вилояти ИИБ Фаҳрийлар кенгашининг радиси С. Саидов боғча мудираси О. Алиевага фаҳрийларнинг табрик хатини топширмоқда.

Муаллиф олган суратлар.

МИЛИЦИОНЕР – ЧЕМПИОН

Ички ишлар идоралари ходимларининг жисмоний тарбия билан шугулланишлари нақадар аҳамиятли эканлиги хусусида кўп ва хўп гапирилган. Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини саклаш билан шугулланувчилар учун спортнинг аҳамияти бениҳоя катта. Айтиш мумкинки, бу милиция ходимлари учун хукуқий билим билан тенгма-тeng аҳамиятга эга.

Шу сабабли улар муттасил равишда спорт билан шугулланиб келадилар. Ходимлар орасида спортнинг тури бўйича усталар кўплаб учрайди. Ҳатто чемпионлар ҳам бор.



Х. ЖАББОРОВ.

Суратда: Хоразм вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковники Светжон Жуманиёзов қизи Наргиза эса қўриқлаш бўлимида ҳисобчи.

Жумабой Қозоқ олган сурат.

Яқинда ана шундай чэмпионлар сони яна биттага кўпайди. Милиция сафдори Бекмирза Фоипов кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Вазирлик ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси милиционери Бекмирза Фоипов болалигидан спортга қизиқарди. Очигини айтиш лозим, дастлаб бу қизиқиш болалиқдаги ўзаро жанжаллар, тўполонлардан кейин уйғонганди. Ўшанда илк бор қалбидан тенгдошларидан, ёши каттароқ болалардан ўзини ҳимоя қилиш истаги пайдо бўлганди. Кейинчалик бу истак ҳақиқий қизиқиш ва ҳаёт мазмунига айланди.

— Энди спорт билан рақибларнинг бурнини эзиб қўйиш учун шугулланмасангиз керак? — сўрайман ҳазил аралаш Бекмирзадан.

— Йўқ! — қатъий жавоб беради у. — Спортнинг моҳияти бирорга ёмонлик қилиш эмас. Бу ният билан узоққа бориб бўлмайди. Қолаверса, ўз кучимиз, билимимиздан ёмонлик йўлида фойдаланмасликка онт ичганмиз.

Б. Фоипов 1996 йилдан бўён кикбоксинг билан шугулланади. Унинг бу борадаги устози — спорт устаси Мираҳмат Умурзоқ ёш Бекмирзадаги истеъод, иштиёқ ва интилишини кўриб, ундан ўз билим ва маҳоратини аямади. Охир-оқибатда қаттиқ талабчаник ҳам ўзининг кутилган натижаларини бера бошлади.

— Ринг кишига аста-секин руҳ багишлаб бораркан, — деди унинг ўзи. — Илк бор чиққанинга ҳаракатларинг қовушмайди, ўзингни бошқача хис қиласан. Бора-бора эса киши ўз кучига ишона бошлади.

Аслида ҳам спортнинг асл мақсадларидан бири кишининг руҳини кўтаришдан иборат.

Республика Кикбоксинг федерацияси томонидан Мустақилликимизнинг 10 йиллигига багишлаб ўтказилган очиқ чемпионатда иштирок этган Бекмирза иккى марта жант ўтказиб, ҳар гал голибликка эришиди ва 81 килограммлик вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Шу йил ноябрь ойидаги Россия Федерациясида кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионати ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ҳозирда Бекмирза ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиш учун қизгин тайёргарлик кўрятти.

Биз унга омад тилаб қолдими.

Суратда: кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони — Қўриқлаш бирлашмаси милиционери, милиция сафдори Бекмирза Фоипов.

И. САИДОВ.

